

«Scopus Award – 2019»: Ўзбекистоннинг энг кучли олимлари тақдирланди

Бугун, 6 декабрь куни “Зарафшон” концерт залида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Elsevier (Нидерландия) компанияси томонидан йил давомида самарали фаолият кўрсатган ўзбекистонлик етакчи олимларни тақдирлаш «Scopus Award-2019» маросими бўлди. Тадбирда Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, QS, Times Higher Education каби дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари вакиллари, Elsevier компанияси мутахассислари, хорижлик экспертлар ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ва докторантлар иштирок этди.



«Scopus Award-2019» тақдирлаш маросимида 28 та номинация бўйича 37 нафар олим ва тадқиқотчи, 6 та олий таълим муассасаси ва 1 та илмий журнал тақдирланди. Маълумот учун, 2018 йил 23 март куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Elsevier компанияси ўртасида республика ОТМларини дунёнинг етакчи университетлари рейтингига киритиш бўйича «Илм-фан – 2020» миллий ривожланиш дастури имзоланган эди.

“Scopus Award – 2019” ғолиблари

“Researcher of the Year” - Фатҳулла Абдуллаев, ЎзР ФА Физика-техника институти бош илмий ходими;

“Women in Science” - Дилбар Долимова, Илғор технологиялар маркази лаборатория мудир;

“Young Researcher of the Year” - Бобур Тошматов, Астрономия институти катта илмий ходими;

“Top Researcher of the Year”:

1. - Мирзахаёт Иброҳимов, KRASS Agromaslahat маркази катта илмий ходими;
2. - Дилфуза Эгамбердиева, ЎзМУ етакчи илмий ходими;
3. - Хайрулло Бобоқулов, “Физика тадқиқот усуллари” лабораторияси катта илмий ходими.

“Top Researcher in Agricultural Sciences” - Жаҳонгир Олимов, ЎзМУ ўқитувчиси

“Top Researcher in Engineering and Technologies” - Аҳмаджон Абдужабборов, Астрономия институти бош илмий ходими

“Top Researcher in Humanities” - Рауфхон Салохўжаев, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети катта ўқитувчиси

“Top Researcher in Medical Sciences” - Петр Мерзляк, ЎзМУ “Мембраналар биофизикаси” лабораторияси мудир

“Top Researcher in Natural Sciences” - Шавкат Аюпов, ЎзР ФА Математика институти директори

“Top Researcher in Social Sciences” - Абдулазиз Бўриев, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети катта ўқитувчиси

“Science Direct Book Award” - Равшан Собиров, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти директори

“Science Direct Top Published Researcher” - Олим Пўлатов, ТИҚХММИ профессори

“Best Scopus Journey”:

1. - Сойиб Турсунов;
2. - Нафосат Курбанова;

3. - Бахтиёр Олимжонов;
4. - Шерзод Неъматов;
5. - Мусавварохон Муқаддасхонова.

«**Research in Education**» - А.Мирзаҳмедов

«**Research in Healthcare**»:

1. - Раъно Алиева;
2. - Александр Шек;
3. - Равшанбек Қурбонов;
4. - Шавкат Ҳошимов;
5. - Улуғбек Низомов

«**Research in Tourism**»:

1. - Сайёра Сафаева;
2. - Дилдора Эшонхўжаева;
3. - Наргиза Жўраева.

«**Research in Sport Science**» - Ф.Баҳриддинов

«**Research in Pharmacology**» - Жасур Тоғаев

«**Research in Culture**» - Амриддин Бердимуратов

“**Research about Mass-media and communications**”:

1. - Василий Кузнецов;
2. - Ольга Югай;
3. - Дилноза Муслимова

“**Research in SDG - Aral sea**” - Елена Гинатулина

«**Ўзбек тили йўналишида йил тадқиқотчиси**” - Ғайрат Матлатипов

«**Илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси учун**» - Оқил Умурзоқович Салимов



“**Scopus Award - 2019**” ғолиблари

1. “Science Direct Top Published University” (“Энг кўп нашр қилган университет”) - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
2. «Research Output of the Year» - (“Йил кашфиёти”) - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
3. “Growth of the Year” (“Йилнинг энг сермахсул ОТМ”) - Тошкент ахборот технологиялари университети
4. “Library of the Year” (“Йил кутубхонаси”) - Тошкент текстил ва енгил саноат институти
5. «Impact of the Year» - Тошкент Турин политехника университети
6. “Uzbekistan Research Online Award” - “Central Asian Journal of Medicine”, Тошкент тиббиёт академияси